

Әдебиятлар

1. Васильева А.Н. Газетно-публицистический стиль речи. - М.: 1982.
2. Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. - М.: Издательство литературы на иностранных языках, 1958.
3. Добросклонская Т.Г. Медиалингвистика: системный подход к изучению языка СМИ. - М.: 2008.
4. Дридзе Т.М. Лингвосоциологические аспекты массовой информации. - М.: 1976.
5. Дўстмухаммедов Х. Ахборот – мўъжиза, жозиба, фалсафа. - Т.: "Янги аср авлоди", 2013.
6. Желтухина М.Р. Тропологическая суггестивность масс-медиа дискурса: о проблеме речевого воздействия тропов в языке СМИ. - М.: Волгоград 2003.
7. Костомаров В.Г. Русский язык на газетной полосе. Некоторые особенности языка современной газетной публицистики. - М.: МГУ, 1971.
8. Ярцева В.Н. Лингвистический энциклопедический словарь. - М.: 1990.
9. Лукьянова Н.А. Экспрессивная лексика разговорного употребления. Проблемы семантики: учеб. пособие. - Новосибирск: «Наука», Сиб. отделение, 1986.
10. Лисакова И.П. Социалингвистические аспекты журналистики./ Социальное функционирование журналистики. - СПб. 1994.
11. Оразимбетова З.К. Қорақалпоқ вақтли матбуоти тилининг услубий хусусиятлари. Филол. фан. доктори (DSc) дисс. автореф. - Нукус: 2019.
12. Тешабаева Д.М., Бакиева Г.Х. ва бошқ. Медиалингвистика ва таҳрир. - Тошкент.: "Ўзбекистон", 2019.
13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.
14. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. - Т.: "Тафаккур", 2011.
15. Teliya V.N. Phraseological Entities as a Language of Culture (Methodological Aspects) // Eurofras 95. Europäische Phraseologie im Vergleich: gemeinsame Erbe und kulturelle Vielfalt / W. Eismann (Hrsg.). - Bochum: Brockmeyer, 1998.

РЕЗЮМЕ. Мақолада тилшуносларнинг газета тилини ўрганишга бўлган қизиқишининг тобора ортиб бораётгани, бунинг ўзига яраша сабаблари кўрсатилиб, биринчидан, газета медиа тилига хос бўлган асосий стилистик усул ва воситаларни ўзида мужассам этган энг қадимги оммавий ахборот воситаси бўлса, иккинчидан, лингвистик тавсиф нуктаи назаридан қараганда, газета матнлари ҳар томонлама ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш учун қулай. Газетада маъно кўчиш усулларида фойдаланиш орқали нафақат ахборот, балки прагматик функцияларни ҳам бажаради. Метафора газета матнининг муҳим маъно ясовчи омил бўлиб ҳам хизмат қилади хусусиятлари урганиб чиқилган.

РЕЗЮМЕ. В статье объясняется растущий интерес лингвистов к изучению языка газеты, причины этого, во-первых, тем, что газета является древнейшим средством массовой информации, воплотившим в себе основные стилистические приемы и средства языка СМИ, во-вторых, из языкового описания газетные тексты удобны для всестороннего изучения и исследования. Газета может выполнять не только информационные, но и прагматические функции за счет использования приемов смысловой передачи. Исследованы особенности метафоры, что газетный текст также выступает в качестве важного смыслового фактора.

SUMMARY. The article examines the growing interest of linguists in the study of the language of the newspaper, the reasons for this, firstly, that the newspaper is the oldest media that embodies the basic stylistic methods and tools of the media language, and secondly, from a linguistic description, newspaper texts convenient for comprehensive study and research. The newspaper can perform not only informational but also pragmatic functions through the use of semantic transfer methods. The features of the metaphor that the newspaper text also serves as an important semantic factor have been explored.

ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Б.Ж.Шаниязов – филология фанлари номзоди

Г.К.Алламбергенова – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Б.К.Алламбергенова – ассистент ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали

Таянч сўзлар: қиёсий таҳлил, луғат, терминология, тилшунослик, услубшунос, лингвомаданият, тафаккур, миллий хусусият, менталитет.

Ключевые слова: сравнительный анализ, словарь, терминология, лингвистика, методология, лингвокультура, мышление, национальный характер, менталитет.

Key words: comparative analysis, vocabulary, terminology, linguistics, methodology, linguoculture, thinking, national character, mentality.

Кириш. Лисоний тадқиқотларда қиёсий таҳлил анчайин узоқ тарихга эга. Тилларни таққослаш зарурати одамларда бошқа тилларда сўзлашувчилар билан мулоқот қилиш зарурати пайдо бўлиши биланок пайдо бўлган. Тилларни таққослаш билан махсус шугулланган илк тадқиқотчилар таржима луғатларини тузувчилар бўлиб, улар ўзларининг амалий билимларига асосланиб, чет тилининг сўзларини ўз она тилларида мослаштиришга ҳаракат қилганлар. [14:30]. Албатта, бу даврда тилларни қиёслаш усуллари ҳақида ҳали гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди, чунки илм-фанда тилларни таққослаш усули тушунчасининг ўзи ҳам узоқ вақт мавжуд бўлмаган.

Таққослаш терминологиясининг назарий ривожланиши ҳозирги замон тилшунослигига тегишли ва илмий асосга таянган қиёсий тадқиқ этиш усуллари эса йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан бошланди.

Ҳозирги кунда тилшунослар ва услубшуносларнинг тилларни қиёсий ўрганиш муаммоларига қизиқиши тобора ортиб бормоқда, бу қуйдаги асосий сабаблар билан боғлиқ:

замонавий тилшуносликда тобора жадаллик билан ривожланиб бораётган лингвомаданий ва когнитив тадқиқотларга бўлган эҳтиёжлар;

тафаккурнинг миллий хусусиятлари, менталитетига оид тадқиқотларнинг кенгайиб бораётганлиги;

тилларнинг универсал хусусиятларини аниқлаш зарурати;

турли тилларда сўзлашувчиларнинг миллий олам манзарасини аниқлаш ва тавсифлаш зарурати;

тил тизимларининг миллий ва маданий хусусиятларини тавсифлаш эҳтиёжлари;

таржимага тортилган матнлар семантикасининг миллий хусусиятларини ақс эттириш вазифаси қўйилган икки тилли луғатларни такомиллаштириш зарурати;

чет тилларини ўқитиш кўламини кенгайтириш ва бошқалар.

Асосий қисм. Қиёсий тадқиқотларга тамал тоши қўйган, назарий ва лингвистик мактаб асосчиси филология фанлари доктори, профессор, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган фан арбоби Зинаида Даниловна Попова ҳисобланади. Қиёсий тадқиқотлар бўйича энг биринчи диссертация ишлари айнан З.Д.Попова раҳбарлигида, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, 1972 йилда Зинаида Василевна Белкина томонидан олиб борилган ва ушбу тадқиқот иши "бермок" феълининг немис ва француз тилларидаги эквивалентлари билан таққослаш асносида амалга оширилган семантик таҳлилга бағишланган.

XIX-XX асрларда тўпланган қиёсий тадқиқотлар тажрибаларига асосланган, шунинг билан бир қаторда

ўзининг ва талабаларининг кўплаб тадқиқотлари ҳамда изланишларига таянган ҳолда З.Д.Попова, И.А.Стернин, М.А.Стерниналар семалар семасиологияси тушунчаси, сўз семантикасининг миллий хусусиятлари, лексик ўхшашликлар турлари, лисоний фарқларни тавсифлашга параметрик ёндашиш ва қиёсий тадқиқотларнинг лексикографик тақдирот вази-фаси ва таққослаш натижаларига кўра турли вариантлари, ҳар хил турлари бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ғоялари асосида ўзларининг назарий ёндашувлари ва қиёсий таҳлил усулларини ишлаб чиқдилар.

Қиёсий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари қуйидагилар.

1. Қиёсий-тарихий тилшунослик

Таққослашни илмий асосга қўйган биринчи лингвистик тенденция - бу XIX аср бошларида Германияда пайдо бўлган ҳамда Ф.Бопп, Я.Гримм, Р.Раск ва А.Х.Востоковлар исмлари билан боғлиқ бўлган қиёсий-тарихий тилшуносликдир.

Ф.Бопп санскрит, юнон, лотин ва гот тилларидаги асосий феълларнинг тусланишини қиёсий усул ёрдамида ўрганган, бунда у феълларнинг илдизлари билан бир қаторда уларнинг флексия (грамматикада сўзнинг турланиш ёки тусланишда ўзгарадиган тугалланмаси)ларини ҳам таққослаган, бу услубий жиҳатдан жуда муҳимдир, чунки грамматик шакллари таққослаш - қариндош тилларнинг алоқаларини тўғри тушунишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Худди шу ғояни Р. Раск ҳам ўз асарларида илгари сурган: у сўз ўзгартирувчи ўзлашмалар, жумладан, флексиялар мавжуд эмаслигини таъкидлаган. Р.Раск ўз тадқиқотлари жараёнига санскритни жалб қилмаган.

А.Х.Востоков тирик славян тилларининг илдизлари ва грамматик шакллари қадимги славян тилининг маълумотлари билан таққослаш билан шуғулланган ва у биринчи бўлиб ўлик тиллар ёдгорликларида мавжуд бўлган маълумотлар, тирик тиллар ва лаҳжалар фактларини таққослаш зарурлигини таъкидлаган. Кейинчалик бу ҳақиқат қиёсий-тарихий маънода тилшунослар тадқиқотлари учун зарур шарт бўлиб қолди. Бу қиёсий тарихий методнинг шаклланиши ва ривожланишидаги янги босқич эди.

Ҳинд-Европа тилларининг қиёсий этимологик жадвалларини тузган ва товушлардаги ўхшашликларни таҳлил қилиш муҳимлигини кўрсатган А.Ф.Поттнинг қиёсий тарихий метод ривожига қўшган ҳиссаси бекиёсдир.

Қиёсий тарихий методни янада баландроқ чўккига олиб чиқишда романчилик мактаби намоёндаси Ф.Дитс асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

Ф.Дитс мактаби томонидан тикланган роман-лотин архетиплари ёзма равишда роман тилларининг аждоди - лотин тилининг вулгар (махаллий) кўринишидаги нашрларда қайд этилган фактлар билан тасдиқланган.

Қиёсий тарихий усул генетик жиҳатдан қардош бўлган тилларнинг ривожланиши ва эволюциясини ўрганади.

2. Лисоний типология

Тилларни таққослаш билан боғлиқ бўлган яна бир лингвистик тенденция - бу XIX асрнинг биринчи ярмида қиёсий-тарихий тилшунослик замирида қуртак чиқарган ва А.Шлегель, А.Шлейхер ҳамда В.Гумбольдтлар номлари билан боғлиқ бўлган лингвистик типология йўналишидир.

Типологик тадқиқотларнинг мақсади мавжуд бўлган у ёки бу, яъни маълум хусусиятларига асосланиб дунё тилларининг умумий турларини ўрнатишга қаратилган.

Ф.Шлегел санскрит тилини юнон, лотин, шунингдек, туркий тиллар билан таққослаб, тилларнинг икки хил тури мавжуд деган хулосага келди: флексив ва аффиксли. Флексив тилларга бойлик, чидамлилик, ва умрбоқийлик, аффиксли тилларга эса қашшоқлик,

тақчиллик ва сунъийлик ҳосдир.

А.В.Шлейхер Ф.Шлегелнинг тилларни типологик таснифини қайта кўриб чиқди, натижада у учинчи турини - аморф тилларни қўшди. Флексив тилларда у грамматик тузилиш ривожланишининг иккита тенденциясини кўрсатди: синтетик ва аналитик.

XX аср тилшунослигида лисоний типологик тадқиқотлар негизида универсал лингвистика пайдо бўлди. Тил универсалиялари барча тиллар ёки уларнинг кўпчилигига хос бўлган хусусиятлардир. Б.А.Успенский таъкидлаганидек, "тил универсалиялари остида барча тилларга ёки уларнинг мутлақ кўпчилигига хос бўлган қонуниятларни тушуниш мақсадга мувофиқ ҳолдир" [11:10]. Тил универсалиялари кўплаб тил тизимларини таққослашлар натижасидагина келиб чиқади.

3. Қиёсий тилшунослик

Қиёсий тилшунослик - ҳар хил тилларда мавжуд бўлган бир хил ном билан аталувчи лисоний микросистемалар (майдонлар)ни ўрганиш мақсадини ўз олдига қўйган лингвистик йўналишидир.

Ўзининг "Литва ва рус тилларининг қиёсий семасиологияси" (1985) номли китобида А.Гудавичюс ушбу ўрганилаётган фанга "... икки ёки ундан ортиқ тилларнинг лексик тизимларини бир-бири билан таққослаб ўрганадиган фан" деб таъриф беради [2:4].

Қиёсий тадқиқотлар концептуал ёки функционал-семантик категориялар доирасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Ушбу кўринишда амалга оширилаётган таққослашлар мақсадини А.И.Фефилов қуйидагича шакллантиради: "таққосланаётган тилларнинг структуравий ўхшашликлари ва фарқларини аниқлаш ва тавсифлаш" [12:5]. А.И.Фефилов ўз ёндашувини контрафронтатив таққослаш деб атайди, шу билан бир қаторда ишлатилаётган атаманинг ички шакли қарама-қаршилик оппозиция (контронтация)си характерида бўлишини таъкидлаб ўтади.

Қиёсий тилшунослик доирасида маълум бир қуйи тизимни ташкил этувчи бирликлар тўплами ва сонига кўра умумийлик ва хилма-хиллик аниқланади, ўрганилаётган тилларда бир хил номдаги микросистемаларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, қуйи тизимнинг периферияси ҳам аниқланди.

4. Контрастив тилшунослик

Контрастив тилшунослик ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб ривожланиб келмоқда, аммо тилшуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида XX асрнинг сўнгги чорагида ажралиб чиқди.

Тилшунослик тарихи билимдонларининг фикрига кўра 1957 йилда Роберт Ладо томонидан "Тилшунослик маданиятлар призмаси орқали" асарининг нашр этилиши контрастив тадқиқотларни ривожлантириш учун бошланғич нукта бўлди. Асар Ч.Фризнинг қуйидаги ғояси асосида ёзилган: "Энг самарали материаллар бу ўрганилаётган тилнинг илмий тавсифига асосланган ва параллел равишда ўқувчининг ўз она тили тавсифи билан синчиклаб таққослаши натижасида олинган материаллардир" [1:18].

Лексик даражадаги контрастив тадқиқотларга бўлган эҳтиёж махсус лексикографик жанр - икки тил бирликлари ўртасидаги семантик ва функционал фарқларни тавсифловчи дифференциал икки тилли луғатларнинг яратилиши билан боғлиқ.

Шарқий славянларнинг черков славян тили лексикографияси худди шундай луғатлар билан бошланади: "Славянча сўзларнинг оддийгина изоҳи берилган лексис" (XVI аср), Лаврентий Зизаний томонидан яратилган "Лексис" (XVI аср), Памва Бериндага мансуб "Славян-рус лексикони ва исмлар шарҳи" (XVII аср).

Тилшунос олим А.Гудавичюс контрастив ва қиёсий тилшунослик тушунчаларини бир-биридан ажратиб кўрсатди. У контрастив таҳлил икки тил билан чеклан-

ганлигини таъкидлайди. У, асосан, орасида лингводидактик мақсадлар ажралиб турадиган амалий мақсадларни назарда тутди.

"Контрастив тадқиқотларнинг бир тури – бу бир тилни бошқа тилнинг "кўзгусида" ўрганишдир..." [2:4]. Шундай қилиб, маълум бир тил ўрганилади ва бундан ташқари, ўша тилнинг шундай хусусиятлари ўрганиладики, айнан шу хусусиятлари уни таққосланаётган бошқа тиллардан, одатда, она тилидан фарқ қилиш имконини беради.

Хулоса. Тил бирликларини контрастив тавсифлаш натижалари бевосита ўқитиш амалиётида қўлланилиши мумкин, чунки улар лингвистик фактларнинг аниқ жуфтларининг икки тилда (масалан, сўзларда) ўзига хос хусусиятларини тавсифлайди ва сўз бойлигининг дифференциал семантизацияси учун ишлатилиши мумкин.

Контрастив таҳлил потенциал фарқларни аниқлаш учун бир тилнинг бирликларини бошқа тилдаги мумкин бўлган ўхшашликлар билан таққослашни ўз ичига олади [9:24].

Адабиётлар

1. Гинзбург Р.С. Чарльз Фриз, его лингвистические и методические взгляды. // ИЯШ. №4. 2012. –С.18-24.
2. Гудавичюс А. Сопоставительная семасиология литовского и русского языков. – Вильнюс: «Моклас», 1985. –С. 278.
3. Книга А.В. Русско-английский дифференциальный толково-переводной словарь. Наименования явлений природы. – Воронеж: «Истоки», 2015. –С. 154.
4. Козельская Д.В., Стернина М.А. Контрастивный семный словарь наименований школьных педагогических работников и учащихся в русском и английском языках. – Воронеж: «Ритм», 2018. –С. 90.
5. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1995. 232-б.
6. Нейматов Х. Ўзбек тилшунослигида формал, структурал ва субстанциал йўналишлар хусусида//Ўзбек тили ва адабиёти.– Тошкент: 2009. 35-40-б.
7. Сафаров Ш., Нуруллаев Х. Функционирование лексических единиц в синтаксических конструкциях. – Самарканд: Изд-во СамГУ, 1983. –С. 83.
8. Стеблецова А.О. Национальная специфика делового общения в англоязычной и русскоязычной коммуникативных культурах: монография. – Воронеж: «Издательско-полиграфический центр ВГУ», 2009. –С. 207.
9. Стернин И.А. Контрастивная лингвистика. Проблемы теории методики исследования. – Москва: «АСТ: Восток – Запад», 2007. –С. 288.
10. Стернина М.А. Воронежская школа сопоставительных исследований. // Сопоставительные исследования 2017. – Воронеж: «Истоки», 2017. –С. 237.
11. Успенский Б.А. Проблема универсалий в языкознании. // Новое в лингвистике. 1970. Вып. 5. –С. 9-19.
12. Фефилов А.И. Основы конфронтативного анализа лексики немецкого и русского языков. – Куйбышев: «Куйбышевский пединститут», 1985. –С. 81.
13. Чубур Т.А. Контрастивная лингвистика и лексикографическое описание слова: монография. – Воронеж: «изд-во ВГПУ», 2009. –С. 212.
14. Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. – Москва : «Наука», 1981. – 111 с.
15. Юсупов Ў.Қ. Инглиз ва Ўзбек тилларининг чоғиштирма лингвистикаси. – Т. «Академнашр», 2013. 288-б.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақоланинг долзарблиги замонавий тилшуносликда қиёсий-чоғиштирма аспектларни тадқиқ қилиш, чоғиштирма тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади. Барча тилларда мавжуд бўлган лисоний бирликлар ҳамда уларнинг турлари кўп ҳолларда ўхшаш кўринишига қарамадан, ҳар бир тилнинг ички имкониятлари, ўхшаш ва фарқли томонлари мавжудлиги аниқланиши муҳимдир. Мақолада бу каби хусусиятларнинг чоғиштирма тилшунослик нуктаи назаридан тадқиқ этиш натижасида олинган хулосалардан тил ўқитиш, таржимашунослик каби соҳаларда юзага келган муаммоларга ечим топиш шубҳасиз деган хулосага келинди.

РЕЗЮМЕ. Актуальность данной статьи определяется важностью изучения сопоставительных аспектов в современном языкознании, осуществления компаративистских исследований. Хотя языковые единицы, имеющиеся во всех языках и их типах, часто выглядят одинаково, важно определить, есть ли у каждого языка внутренние возможности, сходства и различия. В статье делается вывод о том, что изучение таких особенностей с точки зрения сравнительного языкознания, несомненно, позволит найти решение проблем, возникших в таких областях, как преподавание языков, переводоведение.

SUMMARY. The relevance of this article is determined by the importance of the study of comparative aspects in modern linguistics, the implementation of comparative research. Although the linguistic units available in all languages and their types often look similar, it is important to determine whether each language has internal capabilities, similarities and differences. The article concludes that the study of such features from the point of view of comparative linguistics will undoubtedly find a solution to the problems that have arisen in areas such as language teaching, translation studies.

Ўзбек адабиётини

ЭЙЕМГИ ТҮРКИЙ ӘДЕБИЯТ ҲАМ ФОЛЬКЛОР БИЛИМДАНИ (Насимхон Асқарович Раҳмоновтың 70 жыллық юбилейине бағышланады)

К.Алламбергенов – филология илимлериниң докторы, профессор
Х.Алламбергенов – филология илимлери бойынша философия докторы, доцент
Әженияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: Насимхон Раҳмонов, забардаст олим, адабиётшунос олим, фольклор билимдони, матншунос, илмий ижодкорлик, илмий меҳнатлар.

Ключевые слова: Насимхан Раҳмонов, выдающийся ученый, литературовед, фольклорист, текстолог, научное творчество, научные труды.

Key words: Nasimkhan Rahmonov, outstanding scientist, literary scholar, folklore scholar, textologist, scientific creativity, scientific works.



Насимхон Асқарович Раҳмонов 1952-жыл 16-октябрда Ферғана ўлаятында оқытыўшы шаңарағында туўылған. Мектепти питкерип, әдебиятқа болған қызығы-ўшылығы ушын Ферғана мәмле-кетлик университети өзбек тили ҳәм әдебияты факультетине тапсырды. Студентлик жылларында

Өзбек әдебияты тарийхы, Өзбек тили тарийхы, Лингвистика ҳәм әдебиятану теориясы пәнлерин кунт пенен өзлестирген болажақ алым В.В.Радлов, А.Самойлович сыяқлы дуньяға белгили туркологлардың изертлеўлери менен биринши мәрте сол ўақытлары танысады. Ондағы эйемги түркий естеликлерге болған қызығы да мине усы дәўирлерде, танымалы шайыр Еркин Воҳидовтың «Ўзбегим» қосығындағы «Сўйласин Афросиёбу, Сўйласин Ўрхун хати» қатарлары додалаўлар процессинде пайда болған еди.